

7-10-2019

SOCIAL AND LEGAL SOLUTIONS OF INSURANCE MANDATORY RECOMMENDATIONS

Temurbek Islamovich Ismoilov
Namangan Engineering Construction Institute Senior teacher

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ismoilov, Temurbek Islamovich (2019) "SOCIAL AND LEGAL SOLUTIONS OF INSURANCE MANDATORY RECOMMENDATIONS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

SOCIAL AND LEGAL SOLUTIONS OF INSURANCE MANDATORY RECOMMENDATIONS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

УЮШМАГАН ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМЛАРИ

Исмоилов Темурбек Исломович
Наманган муҳандислик қурилиш институти
Катта ўқитувчи

Аннотация: Бугунги шиддатли ва зиддиятли замонда ёшлар тафаккурини миллийлик руҳида шакллантириш табиий равишда ёшларни мафкуравий таҳдидлардан асраш масаласини долзарб муаммога айлантиради. Дунё миқёсида кескин ўзгаришлар кечаётганлиги сўнги бир неча йилда яққол намоён бўлмоқда. Шу туфайли, сиёсий ўзгаришларга мойил дунё сарҳадларида ўз миллий эркинлиги ва озодлигини сақлаб қолиш устувор аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: уюшмаган ёшлар, ёшлар, ёшлик, уюшган ёшлар, ёшлар муаммоси.

СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ РЕШЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ НЕОРГАНИЗОВАННЫХ МОЛОДЕЖЬ

Исмоилов Темурбек Исломович
Наманганский инженерный строительный институт
Старший преподаватель

Аннотация: В сегодняшнем тяжелом и противоречивом возрасте формирование молодежи в духе национальной идентичности, естественно, превращает проблему защиты молодежи от идеологических угроз в проблему. За последние несколько лет во всем мире произошли резкие изменения. Поэтому сохранение собственной национальной свободы и свободы имеет приоритетное значение перед лицом политических изменений.

Ключевые слова: неорганизованная молодежь, молодежь, молодежь, организованная молодежь, молодежь.

SOCIAL AND LEGAL SOLUTIONS OF INSURANCE MANDATORY RECOMMENDATIONS

Ismoilov Temurbek Islamovich
Namangan Engineering Construction Institute Senior teacher

Abstract: Formation of young people's minds in the spirit of today's violent and controversial process naturally turns the issue of protecting young people from ideological threats to a problem. Over the past few years, sharp changes have taken place around the world. Therefore, preserving their own national liberty and liberty is of prioritized importance in the face of political change.

Key Words: unorganized youth, youth, youth, organized youth, youth.

Мамлакатимизда ёшларнинг ўз келажагини қуриши учун кенг имкониятлар очилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларнинг меҳнат қилиш, касб танлаш ва таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Ўзбекистон ҳукумати ёшларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ёш мутахассислар давлат бошқарувининг масъулиятли ишларига кўпроқ жалб этилмоқда. Айниқса, иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор берилиб, уларнинг фаолияти моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўз мезонларига эга. Бу мезонларга ижтимоий етуклик ва ҳаёт жараёнидаги фаолиятнинг ўзгариши киради. Маълумки ёшлик болалик ва етуклик ўртасида ётувчи маълум бир ижтимоийлашув босқичидир.

Ижтимоий етуклик – мураккаб жараёндир. Бу етуклик даврида инсон билим олади, касб танлайди ва маълум мутахассисликни эгаллаб ҳаётда ўз ўрнини топади.

Ёшлик даврининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – шу даврда инсоннинг асосий ахлоқий нормалари шаклланади. Ёшлик даврида инсоннинг ҳаёт жараёнида, унинг фаолиятида кескин ўзгариш юз беради. Ана шундай фаолиятлардан бири ёшларнинг ҳар бир давлатда меҳнат ресурсларини мунтазам тўлдириб боровчи демографик замин эканлигидир ва, шу билан бирга, ёшлар янги авлодни дунёга келишида, фарзандлар туғилишида ҳам асосий демографик омил ҳисобланади.

Иш билан бандлик муаммоси бевосита ҳудуддаги демографик жараёнлар билан боғлиқ. Чунки Ўзбекистон дунё миқёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан бири ҳисобланади ва республикада аҳолининг ўртача ёши 24 ёшга тенгдир. Бу ҳолат эса мамлакатнинг улкан меҳнат потенциалига эга эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси сони 27 млн. кишидан ортиқ бўлиб, уларнинг 64,0% га яқини қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Мамлакат жами меҳнат ресурсларининг 62,1% қисми айнан қишлоқ жойлар улушига тўғри келади ва уларнинг сони 10 млн. кишидан ошади. Бу ҳолат эса XXI аср бўсағасида меҳнат заҳиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчилигини ташкил этишига имкон беради. Лекин шунга қарамай, бугунги кунда республикада мавжуд меҳнат потенциалидан самарали фойдаланмаслик ҳолати мавжуд. Ишсизларнинг 68,0% га яқини айнан қишлоқ аҳолисидир. Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик ҳолатини тармоқлар ва секторлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, қурилиш тармоқларида ёки ёлланма асосдаги бир марталик, мавсумий ва вақтинча меҳнатда бандлигининг гувоҳи бўламиз. Меҳнатда банд бўлган аҳолини таркибий

жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли заҳирасидир.

Бугунги иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида мамлакатимизнинг кўп миллионли қишлоқ аҳолиси меҳнат потенциалининг оқилона иш билан бандлигини таъминлаш зарурияти туғилмоқда. Шу боис мавжуд меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш муаммоларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш долзарб муаммо ҳисобланади.

XX аср сўнги чорагига келиб, кўплаб ривожланган давлатларда ёшларга доир сиёсат мустақил фаолият йўналишига айланди, унга доир умуминсоний тенденциялар ва устиворликларни белгилайдиган халқаро ҳужжатлар қабул қилина бошлади. Хусусан, 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидалари тўғрисида”ги резолюция ана шу жараённинг яққол мисолидир. Жаҳон мамлакатларининг миллий манфаатлари ва тараққиёт тамойилларига мос ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган ва энг умумий халқаро меъёрлар белгилаб берилган ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши, бир томондан унинг миллий даражада қўлланилиши учун асос яратди, иккинчидан эса, мазкур жараённинг умуминсоний цивилизация тараққиёти учун ниҳоятда муҳимлигини яна бир бор намоён қилди, дейиш мумкин.

Ўзбекистоннинг айнан ўша даврда истиқлолга эришиши, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, бу борадаги ислохотлар ва янгиланишлар учун кенг имконият яратди, ушбу йўналиш давлатимиз сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди. Бу борада биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мустақилликнинг илк даври ниҳоясида билдирган қуйидаги фикри ёшларга оид давлат сиёсатининг энг асосий мақсад-муддаolari ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий хулоса бўлиб ҳисобланади: “...ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор”[1].

Ушбу хулосага асосланиб ва ўша давр талабларидан келиб чиқиб, юртимизда ёшлар муаммосига алоҳида аҳамият қаратилди, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратишга киришилди.

Шу муносабат билан, мамлакатимиз тараққиётининг илк давридаёқ, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани асло бежиз эмас. Қонунда давлатимизнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишлари изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш йўллари ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Ёшлар ўзини англаётган бугунги давр икки хусусияти билан ажралиб туради. *Биринчидан*, азалдан ижтимоий-сиёсий воқеликда авлодлардан-авлодларга сингиб келган миллий ва умумбашарий қадриятлар тизими мавжуд. *Иккинчидан эса*, замонавий жамиятларга хос, баъзан шахсий индивидуализм ғояларини ўзига сингдирган либерал қадриятлар тизими ёшларга ўз таъсири ўтказди. Шу билан бирга, жамиятда кечаётган табақаланиш, ижтимоий қатламларнинг ранг-баранг гуруҳларга бўлиниш жараёни ёшларда ватанпарварлик ва миллатпарварлик хусусиятларини шакллантиришга бўлган талабни бир-неча бор оширади. Натижада бойлар – камбағаллар, маҳаллий халқ – келгиндилар, шаҳарликлар – қишлоқликлар, “бизники”лар – “ўзгалар”, задагонлар – омилар, омаддилар – омадсизлар, етакчилар – аутсайдерлар (четда қолиб кетганлар) каби турли-туман ва тамоман бири-биридан ўзгача қатламларни бирлаштириб, бош мақсадларга йўналтириб, ўзаро ҳамфикр ва ҳаммаслак қила оладиган ягона мафкура, ягона ғоявий тизим зарурлиги кун тартибига чиқади.

Бугунги шиддатли ва зиддиятли замонда ёшлар тафаккурини миллийлик руҳида шакллантириш табиий равишда ёшларни мафкуравий таҳдидлардан асраш масаласини долзарб муаммога айлантиради. Дунё миқёсида кескин ўзгаришлар кечаётганлиги сўнгги бир неча йилда яққол намоён бўлмоқда. Шу туфайли, сиёсий ўзгаришларга мойил дунё сарҳадларида ўз миллий эркинлиги ва озодлигини сақлаб қолиш устувор аҳамият касб этади.

Замонавий турли таҳдидларга нисбатан ёшларга оид янги замонавий сиёсат мазмунини шакллантириш нафақат сиёсий, балки умуминсоний талаб даражасига кўтарилган заруриятдир. Шу боис, давлат уюшмаган ёшларда унинг **инвестицион ва инновацион** характерини кучайтириши, унинг амалга оширишда эса превентив тарздаги махсус дастурлар тизимини жорий этиши даркор. Шу нуқтаи назардан, уюшмаган ёшлар **янги институционал технологияларни такомиллаштириш**, ёшлар билан ишлаш тизимларини кучайтириш, уларнинг ранг-баранглигини таъминлашни, ёшлар билан ишлайдиган кадрларнинг методик ва услубий жиҳатдан махсус билимларга эга бўлишини талаб этади. Ёшлар билан ишлаш тамойилларини кучайтириш ижтимоий инвестицияларни жалб этиш, ёшларнинг инновацион

ривожланишини таъминлаш, улар ташаббусидан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Ёшлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситаларини илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш сиёсатшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардандир. Ёшларда сиёсий жараёнлар, мамлакатда кечаётган ислохотларга ижобий муносабатни шакллантириш, уларда сиёсий қадриятлар тизимига қизиқиш уйғотиш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, давлат ва ёшларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш айнан ёшлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситалари масаласига боғлиқ. Ёшлар ва давлат орасида бевосита вертикал ва горизонтал мулоқот, яъни ахборот коммуникациялари ҳамда транспарентликни жорий этиш улар ўртасида ишонч ва янгиланишларга алоқадорлик ҳиссининг ортишига хизмат қилади.

Хуллас, ёшларда ислохотларга дахлдорликни шакллантиришда янгиланиш ва ворисийлик тамойилларининг қисқа таҳлили давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати ҳаётнинг барча соҳаларидаги кенг қамровли ислохотлар, жамиятдаги туб ўзгариш жараёнлари билан боғлиқ равишда амалга ошмоқда. Истиқдолнинг дастлабки давриданок, ёшларга оид давлат сиёсати уларни ижтимоий ҳимоялаш, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг фаол иштирокчиларига айлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, турли соҳалардаги имкониятларини янада кенгайтириш каби масалаларни ҳал қилишга йўналтирилди.

Шунингдек, мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши ҳамда бозор муносабатларининг чуқурлашуви билан бирга ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос замонавий тафаккурни шакллантириш масаласи янада долзарблашиб бораётганидан далолат беради. Бундай серқирра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топишнинг долзарблиги мамлакатимизда янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, ҳуқуқий қарашларининг замонга мос тизими таркиб топиши сингари вазифаларни амалга ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

References:

1. Karimov I.A. Vatanimizning bosqichma-bosqich va barqaror rivojlanishini ta'minlash – bizning oliy maqsadimiz. – T.: "O'zbekiston" NMIU, 2009. T.17. – B.131.